

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар суди, очиқ суд мажлисида, суд биносида

Раислик қилувчи судья: Б.Эсанбаев,

судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Ангрэн шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Хонниёзов, судланувчи Х.ХХХХХХХХХ ва марҳумнинг қонуний вакили Х.ХХХХХХХХХнинг иштирокида, ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХга оид 1-1104-2202/458-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХХ (DJALILOV DILSHODJON TAXIRJANOVICH) – 1985 йил 20 мартда Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, Ангрэн шаҳридаги “Angren Techno Servise” МЧЖ раҳбари, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар, Чотқол м.ф.й, Байналминалчилар кўчаси, 125-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 5 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва марҳумни қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХХ 2022 йил 30 август куни соат тахминан 14:30 ларда, ўзи раҳбарлик қилиб келаётган цехда хавфсиз меҳнат шароитларини яратмаганлиги, иш бажаришнинг хавфсиз услублари ва йўллари тўғрисида ишчиларга йўриқномалар бермаганлиги, иш вақтида ходимлари устидан бевосита назорат ўрнатмаганлиги натижасида мебел цех ичида ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХХ, ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХХ ва ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХХлар деворга тахминан 18-20 дона тик ҳолатда тахланган ДСП (ўлчами 2750X1830 мм) лар ичидан буюртма қилинагн ДСПни олишмоқчи бўлган вақтда, Ж.Х.ХХХХХХХХХ ДСПлар жойлашган жойнинг ўрта қисмига иккита кўлини олдинга узатган ҳолда тик туриб, тахминан 5-6 та ДСПларни ушлаб турган вақтда, ушлаб турган ДСПларни бир маромда ушлаб тура олмаганлиги учун ушбу ДСПлар ва деворга тахланган қолган ДСПлар ҳам



Ж.Х.ХХХХХХХХХни устига йиқилиши натижасида тан жароҳати олиб ходиса жойида вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 17.09.2022 йилдаги 167-сонли хулосасида Ж.Х.ХХХХХХХХХда бош мия очик жароҳати, калла гумбаз ва асос суякларининг кўп бўлаккли кўп чизикли синиши, бош юмшоқ тўқимаси остига ва бош қаттиқ мия пардаси остига қон қуйилиши ва мия эзилиши, қатиксимон ҳолатга келиши, оқиб чиқиши натижасида юзага келганлиги, бош мия очик жароҳати, калла гумбаз ва асос суяклари бўлаккли синиши ва ўргимчак тўрисимон синиши, мия эзилиши, қатиксимон ҳолатида келиши ва оқиб чиқиши калла бутун юзаси тери остига тўқ-қизил рангли қон қуйилишлари ўпка карминли шиши, чап томонлама гемоторакс, 1-2-умуртқалари оралиғидан ажралиши, орқа мия жароҳатсииз, ўпка илдизларига қон қуйилиши, ўнг ўмров соҳаси қонталаш, иккала тизза бўғимлари олд юзаларида ва юз соҳаларида кўплаб шилинмалар каби жароҳатлар аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар тирик шахсларда “Ҳаёт учун ҳавфли бўлган оғир” тан жароҳатлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Махсус комиссиянинг 03.10.2022 йилдаги хулосасига кўра 23/00-02/11-376 сонли хулосасига кўра “Angren Techno Service” МЧЖни директори Х.ХХХХХХХХХ “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси ва Адлия Вазирлигидан 1996 йил 14 август куни 272-сон билан рўйхатдан ўтган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқиш ва билим савияларини текшириш тўғрисида”ги Низомнинг 2-бўлим, 1-бандини, 8, 9 ва 10-қисм талабларини бузганлиги аниқланган.

Судланувчи ХХХХХХХХХ ХХХХХХХ ХХХХХХХХХ суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2011 йил 04 апрель куни “Angren Techno Service” МЧЖни рўйхатдан ўтказганлигини, ушбу МЧЖ турли хил фаолиятлар билан шуғулланганлигини, 2020 йилдан бошлаб, Ангрен шаҳар Шимолий боғ ҳудудида жойлашган мебель цехни ишга тушурганлигини, ушбу МЧЖда ўзи раҳбар бўлиб ишлашини, мазкур мебель цехида олти киши иш билан таъминланганлигини, мебель цехга ДСПлар келишини, ушбу ДСПлардан буюртмага қараб мебель ясашини, мебель цехда мебелни тайёр ҳолда буюртмага қараб ясаб беришини ёки буюртмачини талабига кўра ДСПларни кесиб тайёрлаб беришини, буюртмачини ўзи мебелни йиғиб олиши мумкинлигини, мебель цехда дизайнерлар бўлиб, ушбу дизайнерлар буюртмачини талабига асосан мебелларни лойиҳалаштириб, мебель кесувчи (аррачилар) тақдим қилишини, мебель кесувчилар ўзларини ёрдамчилари билан ДСПлар таҳланган жойдан ДСПларни олиб, махсус арралайдиган ускуналар ёнига олиб келинишини, 2022 йил 30 август куни соат тахминан 08:30 ларда ишга келганлигини, ишга келганидан кейин ишчи ходимлар билан кўришиб, ҳар доимгидек тозалиқдан бошлаганлигини, ўша куни дизайнер Дониёр, Бахтиёр, цехда арраловчилар Алишер, Жавоҳир, Муҳаммадлар борлигини, мебель йиғиш жойида Исомиддин борлигини, ишчилардан муаммолар бор ёки йўқлигини сўраганида, муаммолар йўқлигини айтишганлигини, ҳар доим ишни бошлашдан олдин муаммоларни



эшитиб, муаммоларни бартараф қилишга ҳаракат қилишини, шундан сўнг ходимларга техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб ишлашларини тушунтирганлигини, ушбу ишларни тушунтириб МЧЖни ишлари билан кўчага чиқиб кетганлигини, шу куни соат тахминан 14:30 ларда цехни ташқарисида кўчада турган вақтида ишчи ходими Дониёр ёнига югуриб келиб, уни ёнига келиб, нималарнидир гапирганлигини, лекин тушунмаганлигини, нимадир бўлганлигини, ортидан мебель цехга борганида, мебель цехни пол қисмида Х.ХХХХХХХХХ икки кўли ва оёқларини ёйган ҳолатда, боши ерга теккан ҳолатда бошидан қон оқиб чиқаётганлигини, устида ҳеч нима йўқлигини кўрганлигини, шу эрда нима бўлганини сўраганида болалар Жавоҳирни устига ДСП тушиб кетганини айтишганлигини, шундан сўнг тез тиббий ёрдам кўнғироқ қилиб, тез тиббий ёрдамни чақирганлигини, у Муҳаммад ва Исомиддиндан нима бўлганини сўраганида, улар ДСП олиш учун келишганини, Жавоҳир эса 5-6 та деворга тираб қўйилган ДСПларни тик турган ҳолатда кўлида ушлаб тургани, иккаласи эса керакли бўлган ДСПни олишмоқчи бўлганида, Жавоҳир ушлаб турган ДСПлар ва деворга тиралиб турган ДСПлар Жавоҳирни устига тушиб кетганини айтишганлигини, аслида улар ДСПларни бирма-бир олиб тахлашганидан кейин ўзларига керакли бўлган ДСПларни олишлари керак бўлганлигини, ДСПлар тагига ҳеч нарса қўйилмаганлигини, улар деворга ярим ҳолатда тираб қўйилганлигини, ходимларни иш жараёнида эҳтиёткор бўлиши тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормаганидан пушаймондалигини, марҳумнинг яқинларидан кечирим сўрашини, марҳумнинг яқинларига имкон даражасида ёрдам кўрсатганлигини кўрсатиб, суддан уни оилавий шароитини, тўрт нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида марҳумнинг қонуний вакили Болтабоев Фаҳритдин Турдалиевич судга, Х.ХХХХХХХХХ уни ўғли бўлишини, у Тошкент шаҳридаги Хусусий институтда иқтисод-бухгалтер соҳасида таълим олаётган бўлганлигини, у сиртқи бўлимда ўқишини, шунинг учун оилага ёрдам бериш мақсадида, тахминан бир йилдан буён ҳозирги кунга қадар ишлаб келганлигини, у мебель цехда уни билиши бўйича цехдаги тахтани ўлчами билан кесиб беришини эшитганлигини, уни ишхонасида иш соат тахминан 08:00 ларда бошланиб, соат 18:00 да тугаганлигини, 2022 йил 30 август куни соат тахминан 06:10 ларда уйдан ишга кетганлигини, Жавоҳир уйда бўлганлигини, у ҳам соат 07:00 ларда ишга кетиши кераклигини, соат тахминан 16:40 ларда унга нотаниш рақамдан кўнғироқ қилишиб, Жавоҳир вафот этганини, Жавоҳир суд тиббий экспертизада эканини айтишганлигини, у экспертизага келиб ўғлини тан жароҳатлари билан ётганини кўрганлигини, ўғлининг юз қисмида жароҳатлар борлигини, юзининг ярми йўқлигини, экспертизадан сўнг ўғлини уйга олиб бориб дафн маросимларини ўтказганлигини, кейин уни ўғли Жавоҳирни ўртоқ ва ҳамкасбларидан эшитиши бўйича, ўша ҳодиса бўлган жойда 4 киши бўлганини, улар диспилар олаётган вақтида икки томондаги болалар “қоч” деб бақириб



ўзлари қочиб қолиб, диспилар ўғлини устига тушиб кетганини эшитганлигини, дастлаб судланувчи Х.ХХХХХХХХга нисбатан даъвоси бўлганлигини, ҳозирда уни кечирганлигини, судланувчига нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлигини кўрсатиб, суддан судланувчига қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчи Х.ХХХХХХХХнинг айби, ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган марҳумнинг қонуний вакилининг кўрсатувлари, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларида мавжуд ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлар (и.в. 6-13), суд-тиббий экспертизаси (и.в. 43-48), махсус текшириш далолатномаси (и.в. 68-73) ҳамда бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.ХХХХХХХХнинг техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бузиши одам ўлимига сабаб бўлганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;



2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак; 11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида енгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги ҳулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддаси 5-қисмида “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно” – деб кўрсатилганлигини инобатга олиб, судланувчи Х.ХХХХХХХХХга нисбатан у тадбиркорлик субъекти бўлсада, унга нисбатан раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Х.ХХХХХХХХХга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг айбига иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят содир этилганидан кейинги ҳулқ-атворини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, тўрт нафар фарзандлари борлигини, марҳумнинг қонуний вакилини судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга бўлган ҳаракатини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инобатга олиб у айбланаётган модда санкцияси доирасида маълум муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

-марҳумнинг қонуний вакилига мазкур жиноят натижасида келгусида



келиб чиқадиган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXXXXXXXXX XXXXXXXX XXXXXXXXXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXX XXXXXXXX XXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 (бир) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни раҳбар лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Х.ХХХХХХХХХХ сутканинг соат 22-00 дан 06-00 гача бўлган вақтида яшаш жойи, яъни Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Чотқол м.ф.й, Байналминалчилар кўчаси, 125-уйдан чиқиши чеклансин.

Х.ХХХХХХХХХХнинг зиммасига;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ҳудудидан чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Х.ХХХХХХХХХХ жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Ангрен шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳуқм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Х.ХХХХХХХХХга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров тариқасида Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012, МФО 00014, ИНН 200541951 рақамли Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМнинг депозит ҳисоби рақамига қўйилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пул маблағлари XXXXXXXXXXXX XXXXXXXX XXXXXXXXXXXXга қайтарилсин.

Марҳумнинг қонуний вакилига жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида асосли ҳужжатларни



илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, маҳкум ва жабрланувчининг қонуний вакили эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

Б.Эсанбаев

Аслига тўғри:

